



Самолётимиз Дехли шахрига кўнганида хаво очик, харорат 27-30 даража иссик эди. Дехли кўчалари ям-яшил дарахтларга бурканган, кўча бўйларида эринчок маймунлар галаси тамшаниб ўтган-кетганларни томоша килиб ўтиришади. Бизни кутиб олишга чиккан хинд дўстларимиз бўйнимизга шода-шода мойчечаклар гулдастасини осийди. Уларнинг хушбўй ва муаттар хиди димогимизга урилиб беихтиёр хинд киноларини ёдимизга туширди.

Дархакикат кўнглимда тугилган биринчи савол хам шундай эди: - Хиндистондаги хаёт хинд киноларига ўхшайдими?

Гурухимизни шахар марказидаги меҳмонхоналардан бирига жойлаштиришди. Эрта тонгда балкондан шахарни томоша килар эканман, бу ер ўн миллион аҳоли яшайдиган жой эмас, куюк ўрмонзорга ўхшашини кўрдим. Албатта, Хиндистоннинг Дехлидан кўра аҳоли кўп яшайдиган шахарлари хам бор. Масалан, Бомбейда 13 млн. Колгуттада 12 млн. аҳоли яшайди. Хиндистонда 25 та миллионер шахар бор. Умуман олганда, Хиндистонда тўрт мингдан ортик шахар бўлиб, жами мамлакат аҳолисининг 26 фоизи шахарда истикомат килади.

Меҳмонхона атрофи катта гулзор бўлиб, турли ва ранг-баранг гуллар чамани гиламдай копланиб ётар, балкондан туриб бу манзарани томоша килар эканман, хинд киноларидаги гуллар водийси ёдимга тушиб уларни тасвирга тушира бошладим.

Айтишларича, Хиндистонда бир соатда 4 млн. дона гул хадя этилар ёинки уйлар меҳмонхоналарни безаш учун узилар экан.

Бир кун меҳмонхона деворига такаб курилган кападан бир болакай имлаб мени чакираётганига кўзим тушди. Эътибор берсам у турли ўйинлар кўрсатмокчи ва уларни тасвирга туширишим мумкинлигини имо-ишоралари оркали тушунтирмокчи бўлаяпти.

“Дайди” фильмидаги болакай ёдингиздами, ёинки “Зита ва Гита” фильмидаги кизалокни эслайсизми? Уларни кийими, ногора чалиши, дорда ўйнаши, хайратланувчи жисмоний машклари худди мана шу болакайни эслатар ва уларнинг оиласи суратга олингандай эди. Шахарда бундай болакайлар ва бундай оилалар минглаб учрарди.

Уларни тасвирга туширар эканман, болакай билан хам танишиб олдим. Исми Мукеш экан.

Болакай хар гал меҳмонхонага келганимда ёки кетаётганимда кўл кўтарар, «Мистер янги ўйинларимдан кўрсатайми» дея сўрарди. Мен унга ўн рупий узатар ва тасвирга олишни бошка кунга колдирардим.

Хиндистон аҳолиси кейинги юз йил ичида 240 млн.дан 1 млрд. кишига кўпайди. Аҳолининг 80 фоизи индуизм динига мансуб. 140 млн. мусулмон яшайди. Бу ерда бобомиз Захириддин Мухаммад Бобур хазратларининг сулоласи 350 йил мобайнида хукмронлик килган.

Хозирги вақтда Хиндистон чой, шакар, ерёнгок, мурч етиштириш бўйича жахонда биринчи ўринда туради. Хиндистонда 200 млн. бош корамол бўлиб, бу жихатдан хам у

жахонда биринчи ўринда туради. Лекин хинд халки жон бошига йилига атиги 1,5 килограмм кг. гўшт, 1 кг. корамол ёғи, 55 литр сут, 24 дона тухум истеъмол килади, холос.

Хиндистонда 30 дан ортик машина ишлаб чиқарувчи заводлар ишлаб турсада, кўчаларда асосан велосипедлар, мотоцикллар, рикшаларни кўриш мумкин. “Бобби” фильмидаги Чопра минган рикша ёдингиздами? Ёинки Ражу Боббининг ортидан излаб миниб кетган автобусчи? Ха, Хиндистонга келиб ўз болалигингизни хотирлайсиз.

Хиндлар ҳам ўз киноларини севишармикан деган хаёлда бир куни кинога тушдим. Кинотеатрда одам гавжум, чипта нархи осмонда. Шохруххон ижросидаги янги фильмни томоша килар эканман, бир неча катор олдинда йиглаб ўтирган Мукешга кўзим тушди. У кинога берилиб кеган, чакиришимга ҳам кулок солмасди. Кино тугагандагина, ёнимга чакириб олдим.

- Нима, сен ҳам бировни яхши кўриб колганмисан дедим ярми хазил, ярми чин аралаш. У менинг таажжубимга жавобан тасдикловчи равишда бошини кимирлатди.

- Кимни?

- Кўрсатайми?

- Мен ха, дедим ва:

- Нима у сенга рад жавобини бердимиз? - дедим.

- Ха, - деди у.

- Мен ўзим айтиб кўяман, сен яхши бола экансан. “Йўк” демайди, – дедим.

Мукеш кинотеатрдан чиқаётган одамларни кўриб тиланчилиги эсига тушиб кетди шекилли, кетишга шайланди.

Кизик, кинога чипта олиш учун у неча кун тайёрланди экан? Умуман тиланчининг кинога тушиши гайритабийми ёки оддий холми?

Шундан сўнг меҳмонхона эшиги олдида хар тонг Мукеш мени пойлаб турадиган, яхши кўрадиган кизининг олдида олиб боришини тайинлайдиган бўлиб колди. Гўёки мен бориб, Мукеш севиб колганини айтсам, у киз кўнадигандай эди. Лекин мен кизни олдида боришни хар гал оркага сурар, албатта боришимни, Мукешнинг кўнгил изхорларини етказишга ваъда берардим. Мен, яримьялангоч бу болакайнинг каби ниҳоятда тозалигига аллакачон икром бўлгандим. Авлиё Махатма Ганди ҳам, ярим ялангоч кийимда калбининг тозалиги, тафаккурининг буюклиги билан миллиардлаб одамларни ўз ортидан эргаштирмаганмиди? Шахмат бўйича жохон чемпиони Ананд ҳам, чемпионлик тожини кийиш учун ФИДЕ минбарига чикканида оёкяланг эмасмиди? Нобель мукофоти лауреати Рабиндранат Тагор ҳам оилаа ўн тўртинчи фарзанд бўлиб тугилган ва кейинчалик Шантиникетонда университет ташкил килганида, ярим-ялангоч болаларни талаба килиб олмаганмиди?

Хиндистион бугунги кунда ўз ядро куралига эга кудратли давлатлардан бири. Фазода ўзининг бир канча сунъий йўлдошлари бор. Компьютер ишлаб чиқариш бўйича ҳам у дунёда биринчи ўринларда туради.

Хиндистон дунё бўйлаб, бетарафлик ва тинчлик сиёсатини ишлаб чиққан ва бугунги кунга келиб ўз атрофига 120 давлатни бирлаштирган энг буюк мамлакатлардан хисобланади.

Хиндистон билан хайрлашар эканмиз, буюк бобомиз куриб кетган Тожимахал яна калбимизга гурур ва ифтихор туйгуларини солди. Дунёда бобомиз сингари ўз севгилисига мана шундай буюк ёдгорлик колдирган яна бир инсон борми? Ўзининг буюк мухаббатига бокий тимсол ўрнатган, мухаббатнинг мангулик касрини куриб, улуглай

олган, Ўзбекнинг мухаббати абадул-абад яшашини кўрсата олган яна ким бор? Ўзбекнинг калбини, ўзбекнинг мухаббатини, ўзбекнинг буюклигини Тожмахал тимсолида кайта-кайта кўриб, ким хайратга тушмайди, ким тасанно айтмайди.

Дехли аэропорти одамлар билан гавжум. Бу ерга бутун дунёдан окиб келаётган турли хил миллат ва элат вакилларини ок, сарик, кизил, кора танли одамларни кўриш мумкин. Улар Тожмахални кўриш учун келаётган, ёинки зиёратлари тугаб кайтишаётган сайёхлар эди.

Мен хам кинода кўрганларимни ўз кўлларим билан тасвирга туширганимдан, Хиндистондаги хаёт, хинд киноларидаги хаёт билан бир хиллигига амин бўлганимдан, хурсанд эдим.

Бир пайт аэропорт ойнасини каттик-каттик уриб, мени чакираётган Мукешни кўриб колдим. У мени имлаб чакирди-да, бакириб сўрокка тута бошлади:

- Качон у кизга мен хакимда айтасан, мен билан нега хайрлашмай кетаяпсан, унинг олдига борамиз деб ваъда бергандинг-ку?!

Мен нима дейишни билмай колдим. Мукешнинг кўзидан дув-дув ёш тўкила бошлади:

- Ахир бориб айтаман, дегандинг-ку?

- Нима, у менинг гапимга кирад деб ўйлайсанми?

- Билмадим. Ўзим айтолмасам нима килай?

- Мен янаги сафар келганимда анча катта бўлиб коласан, балки ўшанда айтармиз.

- Факат мени алдаб кетма. Келишингни интикиб кутаман.

- Хайр, Мукеш. Албатта кўришамиз.

Микрофондан, Дехли – Тошкент йўналиши бўйича йўловчиларни рўйхатдан ўтишларини сўраб, чорлай бошлашди. Мукеш билан шу ерда хайрлашдик. Хайр, Мукеш! Хайр, Хиндистон!